ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Сайёра Хушбаковна Валиева
Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўкитувчиси, мустақил тадқиқодчи
sayyora3001@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари ёритилган. Шунингдек, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, инвестиция фаоллигининг ўсиш суръатлари инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича ўрганган олимларнинг илмий ишлари ёритилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари ва шу асосида хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестициялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, барқарор ўсиш, инновациялар соҳаси, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар.

FAITH FOR THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP BY INVOLVING FOREIGN INVESTMENT IN THE ECONOMY OF OUR COUNTRY

ABSTRACT

This article highlights the belief in the development of small business and private entrepreneurship by attracting foreign investment into the economy of our country. It also covers the scientific work of scientists who have studied the level of economic development of the country, the growth rate of investment activity and the improvement of the investment climate. In addition, the belief in the development of small business and private entrepreneurship through the attraction of foreign investment in our country, and on this basis, conclusions and proposals have been formed.

Keywords: foreign investment, small business and private entrepreneurship, sustainable growth, innovation, social and legal conditions.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

КИРИШ

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ва барқарор ўсиш суръатларини сақлашдаги энг муҳим ва энг асосий йўналиш бу – инвестициялардир. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев “2019-йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси” да у соҳага қуйидаги фикрларини билдириб ўтгандилар: “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”[1].

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, уни амалга ошириш юзасидан замонавий, самарали ёндашув ва механизмларни жорий этиш, шунингдек, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва умуман ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, аввалambор, иқтисодиёт тармоқларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилишни, саноат ишлаб чиқаришни комплекс диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу масалага Президентимиз Шавакат Миромонович Мирзиёев “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармонининг 3.4-бандида “Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш” каби йўналишлар танлаб олинган эди [2]. Бу йўналишларни такомиллаштириш орқали иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишига эриша оламиз. Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодий тармоқларни фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978- сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди [3].

Ушбу фармонда бажарилиши лозим бўлган бир нечта таклифлар ва тадбирлар қуйидагича белгилаб берилди:

• 2020 йил 31 декабрига қадар кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун олиб кириладиган хом ашё, материаллар, аксессуарлар ва бутловчи қисмларнинг нархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилганлиги;

• карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ҳисоблаш тўхтатилганлиги;

• ўз фаолиятини тўхтатган ёки товарлар реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан кўпроққа камайган микрофирма ва якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда 2020 йил 1 октябрига қадар солиқларни фоизсиз (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи берилганлиги;

Ижтимоий ва давлат секторидаги инновациялар соҳаси мутахассиси Баҳром Ражабов коронавирус пандемиясининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳақида ёзган мақоласида “...дунё иқтисодиётига етказилган зарарни инқироз чўққисидан ўтганидан сўнг, умумий тарзда ҳисоблаш мумкин бўлади. Иқтисодиётга пандемиянинг ўзи эмас, балки у билан боғлиқ чекловлар салбий таъсир кўрсатади” деб фикр билдирган.

Бироқ, илмий адабиётларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожлантириш масалалари хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича етарлича тадқиқ этилмаган.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, инвестицияларни жалб қилишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади [4]:

1. Ижтимоий омиллар:

• Хусусий мулк ва хорижий инвестицияларга бўлган маҳаллий аҳолининг муносабати;

• Ишчилар қатламининг ижтимоий фаоллиги;

• Жамиятдаги демократик онгнинг яхлитлик даражаси;

• Умуман барча қатламдаги аҳолининг интелектуал салоҳияти;

• Жамиятни ижтимоий ривожлантириш бўйича илғор ғояларнинг мавжудлиги;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

2. Иқтисодий омиллар:

• Иқтисодиётнинг умумий ва барқарор ҳолати;

• Инфляция даражасининг бир маромда белгиланган парамертларда бўлиши;

• Кредит ҳажми ва унинг фоиз ставкаси;

• Иқтисодий фаол ва фаол бўлмаган ишчи кучидан фойдаланиш тартиби;

• Валюта курсининг белгиланган ме`ёрда сақланиб туриши;

• Маьлум бир маҳсулот ёки хизмат турига нисбатан ички ва ташқи бозордаги талаб ҳамда таклиф ўртасидаги муносабат;

• Солиқ имтиёзлари ва солиқ юкини енгиллаштириш имкониятлари;

• Божхонадаги имтиёзлар;

3. Сиёсий омиллар:

• Сиёсий барқарорлик, я`ни ҳар бир мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик даражаси;

• Халқаро келишувларга риоя қилиш ва уларга амал қилиш даражаси;

• Давлатнинг иқтисодиётда тутган ўрни;

• Давлат органларининг самарали фаолият олиб бораётганлик даражаси;

• Инвестицияларга нисбатан давлатнинг инвестицион сиёсати;

• Давлатнинг турли халқаро биржаларда иштирок этиши ва битимларга эга бўлишлилик даражаси.

Юқоридаги омилларни мамалакатимиз иқтисодиётида амал қилиш даражасини ошириш орқали биз иқтисодиётимизга кўпроқ хорижий инвестицияларни жалб қила оламиз. Миллий иқтисодиётга чет эл капиталини жалб этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш, бошқариш ва рағбатлантириш масалаларини тадқиқ этиш муҳимдир [5].

АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А Вахабов , Ш.Хажибакиев, Н.Муминов, Д.Ғозибеков, Д.Тожибоева, Махмудовалар томонидан инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти юзасидан илмий изланишлар олиб борилган ва муносабат билдирилган. А.Вахабов, Ш.Хажибакиев, Н.Муминовлар томонидан инвестицияларнинг мазмун-моҳияти бўйича баён этилган таърифда: «инвестициялар - фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик обектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари, банкларнинг мақсадли омонатлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

лицензиялар, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар», деб таърилланган. “Инвестиция муҳити” ва “инвестиция иқлими” синоним тушунчалар сифатида ишлатилади [6]. Бу хусусда иқтисодчи-олимлардан Д.Ғозибеков ва Т.Қоралиевлар томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: “Инвестиция иқлими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади” [7].

Шунингдек, иқтисодчи олимлар К. Эклунд, Ж. Кейнс, М. Сорнаражах, В.Н.Щербаков, К.В. Балдин, В.М.Аскинадзи, В.Ф. Максимов, Э.С. Хазанович, Али Салим, Муҳаммад Реза Разави, Лиу Ванг ва Н.Г.Каримов, Д.Ғ.Ғозибеков, А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов, Ш.И.Мустафакулов, М.А.Раимжонова, Б.С.Маматов, Д.Ю. Хўжамқуловларнинг илмий ишларида инвестицион муҳит жозибадорлиги, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммоларига бағишланган масалалар кўриб чиқилган [8].

Илмий мақолада кўтарилган муаммони атлофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишда индукция ва дедукция, мақсадли ривожлантириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш ва иқтисодий статистик каби усуллардан кенг фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Демак, инвестиция муҳити инвестор учун муҳим бир шарт: инвестор у ёки бу мамлакатга киритаётган капитали хатари ҳақида ўйлаб кўради. Бунинг учун у капитал хатарига таъсир этувчи қуйидаги омилларни эътиборга олади:

– мамлакат ичкарисидаги сиёсий барқарорлик;
– минтақадаги яқин қўшничилик муносабатлари;
– ҳукуматнинг инвестиция муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қонун-қоидаларининг мукаммаллик даражаси.

Мамлакатимизда иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицион лойиҳалар катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш одатда учта алоҳида босқични ўз ичига олади:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

- Дастлабки босқич лойиҳа бўйича якуний қарор қабул қилишгача давом этади;
- Кейинги босқич, лойиҳа натижаларини амалга оширилгунга қадар давом этадиган имплементация;
- Якуний босқич эса лойиҳанинг фойдалари амалга ошириладиган операцион босқичидир (1-расм).




1-расм. Лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари ва мониторинг механизми

МУҲОКАМА

Юқорида қайд этилган дастлабки баҳолаш босқичи – инвестициялардан олдинги босқичда бўлади. Лойиҳаларнинг бундай олдиндан баҳоланиши эрта босқичда стратегик ахборотни тақдим этади. Бу ерда воқеалар жараёнига таъсир қилиш имконияти энг тез ҳисобланади. Ушбу ёндашув энг яхши лойиҳаларни танлаш ва мумкин бўлган муқобил лойиҳаларни концептуал ечим топиш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, дастлабки баҳолаш, энг яхши алтернативни тахмин қилинган инвестиция лойиҳаларидан фойда кўриш нуқтаи назаридан аниқлашга қаратилган бўлади. Хусусан, инвестицияларни ўсиш сурьати 2017 йилда 107,1 %ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб эса 133,9 %га етганини кўришимиз мумкин (2-расм).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302



2-расм: Асосий капиталга инвестицияларнинг динамикаси

Ўзбекистонда бундай механизмни тўлақонли жорий этиш, шу жумладан, юқорида қайд этилган хорижий инвестор позициясидан, бошқа томондан, лойиҳани амалга ошириш учун масъул бўлган мутасадди идораларга, республикага лойиҳаларни амалга оширишнинг муддатлари, ҳажмлари, хатарлари ва бошқа жиҳатлари бўйича хорижий инвестицияларни ҳар томонлама амалга ошириш механизмини тушуниш икки томонлама фойда келтириши мумкин. Бундай инвестиция лойиҳалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни кўпайишига олиб келади.

Бундан ташқари мамлакатимизда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 2016 йилда 104,1 % ни ташкил этган бўлса худудлар ичида эса Навоий вилояти етакчилик қилиб 144,1 %ни ташкил қилди. 2020 йилга келиб эса Ўзбекистон вилоятида 918 %ни ташкил қилган бўлса 78,7 %га тушиш кузатилган бунга асосий сабаблардан бири бу пандемия бошланганлигини айтишимиз мумкин (1-жадвал) [10].

1-жадвал

Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (ўсиш сурьати, % да)

	2016	2017	2018	2019	2020 йил январ-декабр	2021 йил январ-март
Ўзбекистон	104,1	119,4	129,9	138,1	91,8	96,5

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

Республикаси						
Қорақалпоғистон Республикаси	56,2	60,4	169,9	100,3	80,4	99,6
вилоятлар:						
Андижон	102,4	114,3	113,7	129,0	100,5	138,2
Бухоро	120,8	154,7	60,6	95,9	96,7	151,6
Жиззах	102,7	108,2	158,1	194,9	152,5	103,2
Қашқадарё	108,9	129,7	112,4	131,2	74,1	52,7
Навоий	144,1	107,4	188,0	144,3	78,7	73,4
Наманган	108,2	110,2	178,1	131,1	87,9	93,1
Самарқанд	103,4	105,7	131,4	134,5	117,9	141,1
Сурхондарё	107,6	148,4	164,2	144,0	76,3	97,2
Сирдарё	107,9	115,4	131,0	186,0	111,0	108,5
Тошкент	87,0	118,4	139,9	158,5	82,8	122,6
Фарғона	97,1	98,6	145,9	132,0	116,4	108,2
Хоразм	97,8	128,5	111,7	150,7	114,5	102,0
Тошкент ш.	119,5	121,4	138,2	145,8	96,5	96,2

Манба:Стат.уз маьлумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Қолаверса, мамлакатимизда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 2016 йилда 1608,6 минг сўмни ташкил қилган бўлса 2018 йилда эса 3769,6 минг сўмга етган бўлса 2020 йилга 5900,9 6 минг сўмга етди (2-жадвал) [10]. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда инвестициялар кириш ҳажми ошиб бормоқда.

2-жадвал

Аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар (минг. сўм)

	2016	2017	2018	2019	2020 йил январ-декабр	2021 йил январ-март
Ўзбекистон Республикаси	1608,6	2227,8	3769,6	5834,6	5900,9	1027,9
Қорақалпоғистон Республикаси	2094,0	1542,2	3641,1	4644,4	4273,7	726,3
вилоятлар:						
Андижон	745,3	999,6	1550,3	2406,0	2772,4	568,8
Бухоро	3237,6	6254,2	5112,4	5429,3	5812,1	1369,6

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

Жиззах	1125,1	1361,9	2693,9	5778,9	9291,9	1169,3
Қашқадарё	2389,3	3583,4	5193,4	7534,6	6032,2	801,3
Навоий	3168,1	4185,4	10892,1	17855,2	15954,9	2816,4
Наманган	1074,8	1340,3	2992,5	4344,1	4220,5	758,8
Самарқанд	1001,6	1189,4	1878,3	2674,9	3431,7	631,9
Сурхондарё	879,1	1427,1	2848,3	4552,8	3737,3	640,4
Сирдарё	1660,3	2011,1	3280,2	7002,9	8404,0	1397,3
Тошкент	1507,5	2087,2	3898,4	6970,0	6399,9	1410,9
Фарғона	747,8	822,4	1516,8	2336,2	2990,0	522,5
Хоразм	885,8	1215,1	1655,6	2718,4	3544,6	490,1
Тошкент ш.	3848,1	5552,7	10627,8	16710,5	17062,5	2854,5

Манба:Стат.уз маьлумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имониятлари йўлида қуйида тавсия этилаётган таклифларнинг амалиётга татбиқ қилиниши мамлакат инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш йўлида мақбул иш бўлар эди:

- Инвестиция лойиҳаси самарадорлигини инвестицияларни амалга ошириш ва инвестицияларнинг инвестиция манбалари самарадорлигини баҳолаш ва инвестициялар стратегияси ишлаб чиқиш;
- Халқаро ташкилотлар ва асосий хорижий банклар билан алоқаларни кучайтириш ва хорижий инвесторларнинг мамлакатга нисбатан қарашларини ўзгартириш зарур;
- Шуни таъкидлаш керакки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар корхоналарнинг техник даражасини ошириш йўлидир, чунки хорижий сармоядорлар нафақат ишлаб чиқаришни ташкил этишга, балки ушбу корхоналарда замонавий технологияларни жорий этишни таьминлайди;
- Миллий иқтисодиёт томонидан халқаро инвестиция манбалари ҳисобидан келиб чиққан молиявий маблағлар мамлакатнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши учун назоратни амалга ошириб бориш мақсадга муофиқ ҳисобланади;
- Инвестициялар манбалари инвестиция лойиҳаларида ҳар хил хавф ва рентабеллик даражаларидан келиб чиқиб молиялаштириш зарур.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-293-302

REFERENCES

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230) сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги 4947сонли фармони. www.Лех.уз
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пондемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.www.Лех.уз
4.Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент:Baktria press,2017.-320 б.
5. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 153.
6.Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: «Иқтисод-молия», 2007. – 92 б. 4
7. Schwarb K. World economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World economic Forum, 2013.
8. Davies S., Hallett M. (2002). Interactions between National and Regional Development. Hamburg Institute of Regional Economics, Hamburg.
9.http://www.doingbusiness.org
10. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитасининг расмий веб-сайти маълумотлари асосида ҳисобланди